



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 122-Ф-сон Фармойиши ижросини таъминлаш ҳамда таълим муассасаларининг мол-мулки, бино ва иншоотлари ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланишни тартибга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февраль кунги 122-ф-сонли фармойиши ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу фармойиши билан:

а) Республикада фаолият кўрсатаётган давлат таълим муассасаларининг, хусусан, мактабгача таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг мол-мулки, бино ва иншоотлари ҳамда ер майдонларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларисиз ташкилотларга бериш ёки таълим жараёнига тегишли бўлмаган мақсадларда фойдаланиш қатъиян ман этилганлиги;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига:

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига зид равишда ҳудудлардаги давлат таълим муассасалари, хусусан мактабгача таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мол-мулклари, бино ва иншоотлари ҳамда ер майдонларида жойлаштирилган ташкилотларни (ижара шартномаси асосида фаолият кўрсатаётганлар бундан мустасно) давлат таълим муассасаларидан бошқа манзилларга ўтказиш ҳамда жойлаштириш жараёнида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш чораларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 сентябрдаги 999-Ф-сон фармойиши асосида ўтказилган хатлов якунлари бўйича белгиланган моддий жавобгар шахслар жавобгарлигига берилган мол-мулкнинг бут сақланиши ва тўлиқлиги назорат қилинишини таъминлаш;

мактабгача таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг мол-мулкни бошқа юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларига

зид равишда бериб юборган ёки мактабгача таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига тегишли бино ва иншоотларга ҳамда ер майдонларига турли ташкилотлар жойлашиб олишига йўл қўйган раҳбар ходимларга нисбатан чоралар кўриш топширилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 15 кун муддатда мактабгача таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мол-мулкнинг бутлиги, уларнинг бино ва иншоотларидан мақсадли фойдаланилаётганлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этиш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (Ж.Уснатдинова), Ҳалқ таълими вазирлиги (А.Аяпов), Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси (П.Сейтмуратов), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш кўмитаси (З.Камалов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Т.Султанов) Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган давлат таълим муассасаларининг, хусусан, мактабгача таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг мол-мулки, бино ва иншоотлари ҳамда ер майдонларидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг тегишли қарорларисиз ташкилотларга бериш ёки таълим жараёнига тегишли бўлмаган мақсадларда фойдаланиш қатъиян ман этилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (Ж.Уснатдинова), Ҳалқ таълими вазирлиги (А.Аяпов), Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси (П.Сейтмуратов), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш кўмитаси (З.Камалов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Т.Султанов), Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликларига:

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига зид равишда ҳудудлардаги давлат таълим муассасалари, хусусан мактабгача таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мол-мулклари, бино ва иншоотлари ҳамда ер майдонларида жойлаштирилган ташкилотларни (ижара шартномаси асосида фаолият кўрсатаётганлар бундан мустасно) давлат таълим муассасаларидан бошқа манзилларга ўтказиш ҳамда жойлаштириш жараёнида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш чораларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 сентябрдаги 999-ф-сон фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 11 сентябрдаги 224-б-сон фармойиши асосида ўтказилган хатлов яқунлари бўйича белгиланган моддий жавобгар шахслар жавобгарлигига берилган мол-мулкнинг бут сақланиши ва тўлиқлиги назорат қилинишини таъминлаш;

мактабгача таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг мол-мулкни бошқа юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларига зид равишда бериб юборган ёки мактабгача таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига тегишли бино ва иншоотларга ҳамда ер

майдонларига турли ташкилотлар жойлашиб олишига йўл қўйган раҳбар ходимларга нисбатан чоралар кўриш топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси 15 кун муддатда мактабгача таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мол-мулкининг бутлиги, уларнинг бино ва иншоотларидан мақсадли фойдаланилаётганлиги тўғрисида Вазирлар Кенгашига ахборот тақдим этсинлар.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.А.Жуманов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси**

К.Сариев

